

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фарғона туманидаги Халқ қабулхонасининг
“___” июль 2025 йилдаги
_____ – сонли хатига илова

**2025 йил 2-чорагида Фарғона туманида ҳудудларни
комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича
ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти,
мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан
АХБОРОТ**

2025 йил 2-чорагида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига Фарғона тумани аҳолисидан **1 665 та** мурожаат келиб тушган.

Келиб тушган **1 665 та** мурожаатларнинг **1 537 таси** тегишли идора ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиб **543 таси 35.3 %** ижобий ҳал этилган, **684 таси** ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал этилган, **231 тасига** тушунтириш берилган, **34 таси** тугатилган, **25 таси** узоқ муддатли назоратга олинган, **6 таси** кўрмасдан қолдирилган, **9 таси** рад этилган, **5 таси** маълумот учун қабул қилинган, **128 та** мурожаат ўрганиш жараёнида.

Келиб тушган мурожаатлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан - **840 та** ёки - **34 фоизга** (2 505/1 665) камайган бўлсада, айрим йўналишдан мурожаатлар сони ошган, жумладан:

- Раҳбарлар қабулини ташкил этиш сўровлари – **38 тага** (20/58, 190,0%);
- Солиқ соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорат – **13 тага** (4/17, 325,0%);
- Аҳолининг санитария-эпидемиологик саломатлиги – **8 тага** (1/9, 800,0%);
- Сайлов (референдум) – **6 тага** (2/8, 300,0%);
- Тадбиркорлик фаолияти – **6 тага** (5/11, 120,0%);
- Давлат бошқарувига оид турли масалалар – **5 тага** (2/7, 250,2%);
- Солиқлар ва йиғимлар – **4 тага** (1/5, 400,5%);
- Қишлоқ хўжалиги – **4 тага** (9/13, 44,4%);
- Умумий ўрта таълим йўналиши – **4 тага** (9/13, 44,4%);

Бундан ташқари, келиб тушган **1 665 та** мурожаатларнинг **170 таси** ёки **10,2 фоизини** такрорий мурожаатлар ташкил этади.

Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган **1215 та** мурожаатлар асосан “Кончилар” (**74 та**), “Миндонобод” (**72 та**), “Янги аср” (**70 та**), “Кўриқ” (**64 та**), “Шохимардон” (**59 та**), “Аввал” (**49 та**), “Бўстон” (**39 та**), “Шифокор” (**39 та**) ва “Кўрғонтепа” (**27 та**) маҳалла фуқаролар йиғинлари хиссасига тўғри келади.

Келиб тушган мурожаатларда аҳоли томонидан кўтарилаётган

масалалар қуйидаги йўналишларга тўғри келади, жумладан:

- Ижро иши, алимент ва қарз ундириш – **190**;
- Хизматчилар фаолияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар – **118**;
- Ижтимоий таъминотга оид масалалар – **111**;
- Ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабарлар ва улар бўйича иш юритишга оид муаммолар – **109**;
- Моддий ёрдам ва ҳомийлик – **65**;
- Раҳбарлар қабулини ташкил этиш сўровлари – **58**;
- Газ таъминоти – **57**;
- Банк кредитлари ва кредит операциялари – **47**;
- Ичимлик суви таъминоти – **47**;
- Даволаш ва тиббий хизмат кўрсатиш – **46**;
- Давлат кадастрлари ягона тизими фаолияти – **43**;
- Бандлик – **36**;
- Уй-жой билан таъминлаш – **35**;
- Мактабгача таълим йўналиши – **35**;
- Электр энергияси таъминоти – **31**;
- Чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари, уй-жой фондини сақлаш ва бошқарув сервис компаниялари фаолияти – **29**;
- Ер муносабатлари – **28**;
- Ҳоким ёрдамчилари фаолияти – **28**;
- Меҳнатга ҳақ тўлаш – **28**;
- Йўл инфратузилмаси – **24**;
- Дафтарлар асосида ижтимоий ҳимоя – **23**;
- Меҳнат ҳуқуқи ва муносабатлари – **23**;
- Савдо – **21**;
- Сув ҳўжалиги – **21**;
- Судларда фуқаролик ишлари кўрилиши – **20**;
- Тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш – **20**;
- Қурилишга оид масалалар – **20**;

Аҳоли томонидан энг кўп мурожаат келиб тушган йўналиш (*хизматчилар фаолияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар*) таҳлил қилинганда, ушбу турдаги мурожаатларнинг келиб тушиш сабаблари этиб мурожаатларни тегишли идора ва ташкилотлар томонидан тўлиқ кўриб чиқмаслик, мурожаат муаллифига мурожаатда келтирилган масаласи юзасидан тўлиқ жавоб берилмаслиги ва орақли жавоб бериш орқали ёпиб юбориш ҳамда хизматчилар томонидан фуқаролар билан мулоқот қилиш вақтида муомала маданияти риоя этилмаганлик ҳолатларини келтириш мумкин.

Ушбу йўналишдаги энг кўп мурожаат маҳалла раиси (ходимлари) хатти-ҳаракатлари ва фаолияти (**11 та**), таълим соҳаси ходими, мажбурий ижро бюроси ходими, банк ходими ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари хатти-ҳаракатлари (**9 тадан**), газ тармоғи ходими хатти-

ҳаракатлари (**6 та**), профилактика инспектори хатти-ҳаракатлари (**5 та**), Кадастр ходими хатти-ҳаракатлари (**4 та**), Электр таъминоти ходими хатти-ҳаракатлари (**3 та**) бўйича келиб тушган.

***Мисол учун**, Фарғона тумани, “Миндонобод” МФЙ, Миндонобод кўчаси, 101-уй, 3-хонадонда яшовчи 2-гуруҳ ногирони, Ахмадалиева Зухро Комолдиновнанинг 2025 йилнинг 22-май кунги 84743-s/25-сонли “фарзанди 38-сонли ДМТТда тарбияланаётгани ва ДМТТ фарзандини чиқариб юборишгани ва ёмон муносабатда бўлишаётгани”дан норози бўлиб мурожаат қолдирган.*

Хусусан, айрим давлат хизматчилари фуқароларнинг мурожаатларини ижобий ҳал этишга кўмаклашиш ўрнига, улардан даъвоси йўқлиги ҳусусида **унинг ўрнига тилҳатлар** ёзиш орқали мурожаатларни ёпиш амалиётига одатланиб қолган.

***Мисол учун**, Фарғона тумани, “Шифокор” МФЙ, Шифокор кўчаси, 5-уй, 19-хонадонда яшовчи Ш.Инобиддиновнинг 2025 йилнинг 12-июн кунги 96472-s/25-сонли мурожаатида “121-мурожаатим, ўзим 2-гуруҳ ногирониман “Зарина Мариям” МЧЖ фаолиятини юритиб келаман. Тадбиркорлигимни ривожлантириш мақсадида шартнома олишга ва имтиёзли кредит ажратилиши масаласида” ёрдам сўраб мурожаат қолдирган.*

Ушбу мурожаат Савдо-саноат палатаси Фарғона тумани бўлими томонидан кўриб чиқилган.

Фуқаро Ш.Инобиддиновга мурожаати юзасидан берилган жавоб хатига гўёки мурожаат муаллифига истиқболли ҳамкорлар билан музокаралар олиб боришга шарт-шароитлар яратиб берилгани ва тижорат банкларига кўрсатмалар берилгани маълум қилинган.

Бинобарин, 24.06.2025 йил кунги тузилган суҳбат баёни **“Зарина Мариям” МЧЖ** раҳбарининг соҳта имзоси қўйиб мурожаат ёпиб юборилган.

Бу каби салбий ҳолатлар жойларда мурожаатлар келиб чиқишига, фуқароларнинг **эътирозлари ва салбий муҳокамаларга сабаб бўлаётган муаммоларни бартараф этиб бориш**, олиб борилаётган ислохотларни аҳолига етказиш ва мурожаатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни тизимли равишда амалга оширилмаётганидан далолатдир.

Туман аҳолисидан ўтган давр мобайнида **16 та** жамоавий мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **7 таси** мурожаат ижобий ҳал этилган холос.

Ушбу жамоавий мурожаат аҳоли кайфиятига таъсир қилувчи, 10 ва ундан ортиқ фуқаролар томонидан қилинган мурожаатлар бўлиб, бундай турдаги мурожаатларда келтирилган масалаларни тўлиқ таҳлил қилиш ва муаммони аниқ ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар амалга ошириш талаб этилсада, айрим идора ва ташкилотлар томонидан бу турдаги

мурожаатларни кўриб чиқишда масъулиятсизликка йўл қўйиб келинмоқда.

Мисол учун, Фарғона тумани, “Юксалиш” МФЙ, Наво кўчаси, 26-уйда яшовчи Ж.Тотосунованинг 24.06.2025 йил кунги 49549-хқ/25-сонли “Аҳоли ичимлик суви тармоғига улаш” масаласидаги мурожаати “Фарғона сув таъминоти” АЖ Фарғона туман бўлими томонидан орадан бир ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, кўриб чиқилмаган.

Тумандаги тегишли идора ва ташкилотлар ваколати доирасида ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларни ҳал этиш юзасидан жиддий эътибор қаратилмаётганлиги сабабли туманнинг **13 нафар** фуқаролари бевосита Тошкент шаҳрига бориб Президент халқ қабулхонасига мурожаат қилишга мажбур бўлишган.

Мисол учун, Фарғона тумани, “Шарқ Ҳақиқати” МФЙ, Шарқ Ҳақиқати кўчаси, 127-уйда яшовчи Эргашев Абдусaid Хошимовичнинг соғлиги туфайли Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказини урология бўлими ётиб даволанишига йўлланма бериш масаласи туман тиббиёт бирлашмаси ваколати доирасида ҳал этилмаганлиги сабабли Президент Халқ қабулхонасига 17.06.2025 йил куни 9313-ар/25-сонли мурожаат қилган.

Ушбу мурожаат Фарғона туман тиббиёт бирлашмаси томонидан кўриб чиқилиб, фуқаро туман Терапия бўлимида стационар даволанишга ётқизилган ва 5 хил турдаги дори-дармон воситалари берилган. Фуқаро даво муолажалари натижасида соғлиги тикланган.

Халқ қабулхонаси томонидан берилган огоҳлантиришларга қарамай тумандаги идора ва ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда Қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда, жумладан:

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасида ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши белгиланган бўлсада, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Фарғона тумани бўлими (5 та), “Фарғона сув таъминоти” АЖ Фарғона туман бўлими (1 та) томонидан мурожаатлар кўриб чиқишда 1 ойлик муддат бузилган.

Туман аҳолисини қийнаб келаётган муаммолардан бири бу доимий фойдаланишдаги кўприкларни яроқсиз ҳолатга келиб қолганлик ҳолати билан боғлиқ, жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.10.2022 йилдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 408-сонли қарорига

асосан, “Ёрдон” МФЙ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида тегишли дастур ишлаб чиқилган ва “Орзудаги хонадон” МЧЖ томонидан бажарилиши белгиланган бўлса-да, бугунги кунга қадар ишлар ўз якунига етказилмагани аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

2. Фарғона тумани, “Хосилот” МФЙ, Тоштепа-2 кўчасидаги кўприк 1950-йилларда қурилган бўлиб, ҳозирда яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги сабабли ушбу кўприкдан транспорт воситалари ва пиёдалар ўтишида қийинчиликлар келиб чиқмоқда.

Фуқаролар муаммолари билан самарали ишлаш, ечимини кутаётган масалаларни “маҳаллабай” ўрганган ҳолда жойида ва тезкор ҳал этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот тизимини янги даражага олиб чиқиш ҳамда мурожаатларни кескин камайтириш, такрорий мурожаатларни олдини олиш ҳамда **фуқароларнинг розилигини таъминлаш мақсадида:**

- тумандаги идора ва ташкилот раҳбарлари мурожаатлар билан ишлашда аввало аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, уларнинг қийнаётган муаммоларни ўз муаммоси сифатида кўриш ва ҳал этиш чораларини амалга ошириш;

- мурожаатлар келиб тушиш сабабларини таҳлил қилиш, аҳолининг эътирози ва салбий муҳокамаларга сабаб бўлаётган муаммоларни бартараф этиб юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бугунги кунда ўз йўналиши бўйича олиб борилаётган ислохотларни аҳолига етказиш орқали шуқуруналик кайфиятини уйғотиш;

- Давлат органлари раҳбарлари доимий равишда ходимларининг аҳоли билан тўғри мулоқотга киришиши ҳамда хизматчиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари юзасидан қатъий назоратга йўлга қўйиш;

- ҳар соҳа бўйича келиб тушаётган такрорий мурожаатларининг келиб тушиш сабабларини таҳлил қилиш, уларда келтирилган масалаларни жойи борган ҳолда ўрганиш ва аниқ чора-тадбирларни белгилаш;

- Давлат органлари ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган шикоятларни ташкилот раҳбари томонидан мурожаат муаллифи иштирокида кўриб чиқиш;

- Давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга ошириши, уларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўриши;

- Давлат органларида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда уларнинг натижаларига кўра маълумотномалар тузиш, мурожаатлар билан ишлашнинг умумий кўрсаткичлари,

мурожаатларда тез-тез кўтарилган масалалар, мурожаатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қоида бузарликлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.